

Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE

Меҳрибон ва раҳми Аллох номи ила

Икки кисса

(Яъқуб ва Айюб алайхимассалом)

Икки янги исм, икки бошка Пайгамбар, Аллох уларни Ўзига даъват килиш ва Исломи таркатиш учун юборди. Лекин бу сафар сизларга бу икки Пайгамбарнинг рисолатлари хақида ҳам, нубувватлари хақида ҳам айтиб бермайман. Балки улар билан содир бўлган баъзи гапларни хикоя киламан, хозир сизлар билан бирга хаётимизнинг боскичларидан бири билан яшайман, улардан хар икковларига бир неча сахифа ажратамиз. Улар хақида тушуниб эътибор билан ўқишимизга хеч монеълик йўқдир, хозирга (келаётган) сўзлар эса кўплаб фойдаларни ва муҳим бўлган чиройли ишларни ўз ичига олади, мўмин бўлган гунчаларнинг ўқишлари эса хатто уларнинг хар бирлари фойдали нарсаларни ўқиганида ўзи учун яхши нарсаларни ўргана олиши учун эсда қоладиган бўлиши чиройлидир.

Яъкубнинг васияти

Сизларга Яъкуб (алайхиссалом)нинг хаётларини тўлалигича айтиб бермайман, лекин бошида айтганимдек мухим бўлган кичик бир кисмини баён қилишда тўхталиб ўтаман. Саййидимиз Яъкуб (алайхиссалом) бу кисмни умрининг охири ва хаётининг ниҳоясида яшаб ўтган эди (яъни мен ҳозир айтиб бермокчи бўлган воқеалар у кишининг умрларининг сўнгида содир бўлган). Эй кичик укаларим, келинлар, мен билан бирга мана бу оятларни тушуниб, тадаббур қилиб ва хушуъ ила ўқиймиз.

Аллох номи ила қувилган шайтондан паноҳ сўрайман

«Ёки Яъкубга ўлим ҳозир бўлиб, у ўз болаларига: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» деганида, улар: «Сенинг илохингга ва оталаринг Иброхим, Исмоил ва Исхокларнинг илохига, ёлғиз илохга ибодат қиламиз ҳамда биз Унга мусулмон бўлувчимиз», деганларида гувоҳ бўлганмисиз?!» Инсон ўлишидан бироз олдинги бу буюк ҳолатни тасаввур қилиб кўринг. Бу Аллохнинг Расули Яъкуб (соллаллоху алайхи васаллам). У улгайиб кексайди, мана шундай ҳолатда ўлим унга келадиган бўлди, одатда, мана бундай ҳолда инсон нима қилади? Менга айтмоқдасизлар: «Албатта, у ўзи яхши кўрган васиятни аҳли-оиласи ва болаларига васият қилади ва унинг бажарилишини истади». Агар мен сизлардан: «Уларга нимани васият қилишни яхши кўради, деб сўрасам, сизлар, албатта, у ундан кейин ажралиб кетмасликларини, агар у ерда мол-мулк ёки мерос бўлса, мол-мулк ва меросни хилоф қилмай тақсимларини васият қилади, деб жавоб берасизлар. Лекин Яъкуб (алайхиссалом) нимани васият қилганини биласизларми? У болаларини йигди, ўлимидан олдин оталарининг васиятни билиш учун унинг атрофида бўлдилар, улар, албатта, элчилар ва пайгамбарлар болаларига мол-дунё мерос қилиб қолдирмасликларини билардилар, қизиқ, қари чол уларга нимани васият қиларкин? Оталари уларга: «

Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?

» деб сўради. Ёки: «Агар мен ўлсам, менадан кейин ибодат қиладиган илохингиз қим?» Каранлар, нақадар чиройли савол бу! Мол-дунё ёки мерос мухим бўлмади, балки ибодат мухим эди. Инсоннинг хаёида ва ўлганидан кейин ҳам мухим аҳамиятга эгадир у, албатта, фарзандлар бу қабил васият устида бўлдилар ва Яъкуб (алайхиссалом) улардан

муҳим бўлган саволни сўради:

«Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?»

» Чунки отанинг ўлимидан кейин саҳиҳ бўлган ибодат боқий қолса, албатта, фарзандларнинг ҳар бир ишлари фойда келтираган бўлади, оталари (алайхиссалом) ўз рисолатини чиройли қўринишда адо этиб ўзидан рози бўлган ҳолда ўлади, фарзандларнинг ҳам ораларида ҳилоф ва низолар бўлмайди. Энди эса фарзандларнинг жавобига қулоқ тутамиз, улар ҳам оталари қаби мусулмондирлар:

«Сенинг илоҳингга ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг илоҳига, ёлғиз илоҳга ибодат қиламиз ҳамда биз Унга мусулмон бўлувчимиз»

. Жавоб эса қария отанинг қалбини қувонтирадиган ҳамда уни фарзандлари орасида уларнинг барча мушқуллари ва қелишмовчиликларини ечиб берадиган саҳиҳ бўлган ақийдани тарқатганидан мамнун ҳолда ўлим топишига сабаб бўладиган жавоб эди. Албатта, у буюқ жавоб эди.

«Ёлғиз илоҳга ... биз Унга мусулмон бўлувчимиз»

. Биз ҳам барчамиз улар билан биргамиз, агар улғайсак, болаларимизга қиладиган васиятимиз қуйидагича: «Ёлғиз Аллоҳнинг ўзига ибодат қилинлар». Агар биз ҳозир сўралсак, жавобимиз бундай бўлади: «Ҳақат ёлғиз Илоҳга ибодат қиламиз ҳамда биз Унга мусулмон бўлувчимиз».

Айюбнинг сабри

Яна бу иккинчи кичик қиссада ҳам сизларга Расулulloҳ Айюб (алайхиссалом) ҳақидаги ҳикояни тўлиқ айтиб бермайман. Сарлавҳадан билиб олишингиз мумкинки, сизларга Расулulloҳ Айюб (алайхиссалом) васф қилинган сабр ҳақида айтиб бераман. Айюб Аллоҳнинг нақадар яхши бандаси, у зот (алайхиссалом) ҳақиқий мўмин эди, Аллоҳга саҳиҳ ҳолда ҳолис ибодат қиларди, Аллоҳ унга неъматлар ва яхшиликларни зиёда қилгани сайин унинг ҳам ибодати зиёда бўларди, бу неъматларнинг барчаси уни ношукр қилиб қўймади, балки у бойлик, саломатлик ва бахт-саодат билан бирга Аллоҳ таолонинг ҳаққини ҳам билиб олди. Аллоҳ таоло бу саҳиҳ ибодатга ва бандаси Айюб (алайхиссалом)нинг ихлосига далил бўлиши учун Айюб (алайхиссалом) бой бўлиб, унга мол-дунё, фарзанд-зурриёт ва қўплаб яхшиликлар неъмат қилиб берилганида ҳам Аллоҳга ибодат қилишини бизларга қўрсатиб бериш учун бизларга зарбулмасал ва далил қилиб келтиришни хоҳлади. Энди нима бўлганини биласизларми? Нима воқеа содир бўлганини-чи? Аллоҳ одамларга нимани хоҳлаганини билиш учун қиссанинг охирига

кадар менга эргашиглар.

Аллох бандаси Айюбга ато этган неъматларини олиб кўйди, ундан эга бўлган хаёт гўзалликларини ҳам олиб кўйди, унинг кўлида бойлигига далолат киладиган ҳеч нарса қолмади, унинг ерида кичик ҳароба қолди, кўл остидаги барча ҳайвонлари ўлди. Унинг экинлари ва молларига ҳам ҳалокат етди, унинг ахли-оиласи, фарзандлари ҳам ҳалок бўлди, бу ҳолат олдида эса бирор иш қилиб бўлмасди, одамларнинг тиллари эса Айюб (алайҳиссалом)нинг тушиб қолган ҳолати ҳақида сўзлай бошлади. Бири шундай дерди: «Албатта, Айюбнинг ибодати Роббисининг олдида фойда бермабди»; бошқаси эса бундай дерди: «Агар Аллох Айюбни яхши кўрганида, унинг устида бундай иш қилмасди»; учинчилари эса бақариб шу сўзларни такрорларди: «Албатта, Аллох сизларни кўриб турибди, Айюбнинг гурури ва мол-мулкдаги ниҳоясини. Айюбнинг душманлари Айюб (алайҳиссалом)нинг иймони заифлашиб бироз вақтдан кейин бузилади деб ўйладилар.

Айюб (алайҳиссалом)нинг эса иймони устига иймон зиёда бўлди, унинг тили ҳамд ва тасбеҳдан чарчамади, унинг: «Аллох нимани хоҳласа, шуни қилади, нимани хоҳласа, шуни олади, нимани хоҳласа, шуни ато этади, албатта, У ҳар насага қодир бўлган Зотдир», деган сўздан ортигини айтмади. Айюбнинг бадани касалланди, лекин Айюб (алайҳиссалом) Аллох унга ёзган нарсага рози бўлди, у Роббисидан сабр ва касалликни кўтаришни ҳамда одамларнинг сўзлари ва азиятларида унга ёрдам беришини сўрарди. Барча нарса кетиб бўлганди, мол-дунё қаерда? Ахлу оила-чи? Болалар? Дўстлар? Куч-қувват ва ёшлик қаерда? Ризк ва яхшиликлар қани? Раҳм қил, Ё Парвардигоро! Эй Мусибат етганларга ёрдам қилувчи Зот, Ўзинг ёрдам бергин!!! Мана шундай ҳолатда Айюб Роббисига мана бу мулоим ниҳо ила ниҳо қилиб шундай дейди:

«Албатта, мени зарар тутди. Сенинг Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлисан»

. У Роббисига дуо қилди, сабр қилиб қийинчиликларни кўтарди, албатта, у унга балоларни туширган Аллох таолога дуо қиларди, Унинг ёлғиз Ўзигина бу балони қетказишга қодир эди. Унга жавоб келди: «Эй Айюб, оёгинг билан ерни тепгин, шу жойдан сув чиқади, сен унда ювинишинг керак, шунда сенга касалликдан олдинги ҳолатинг қайтади. Ҳолати қандай бўлса, шундай ҳолига қайтди, Айюбга саломатлик ва офият қайтади, Аллох унга яна қайтадан мол-дунё, яхшиликлар, мўл-кўл ризк, ахлу оила ва зурриётлар ато этади. Албатта, Аллох сабрли бандани унутмайди, солиҳ бўлган Айюб нақадар яхши банда! Албатта, у сабрли бўлган бандалардандир. Эй одамларнинг Роббиси, Сенга ҳамд бўлсин, Сен ёлғиз Ўзинг неъматлар ато этувчи ва балолар берувчисан, шифо берувчисан, Сенинг шифойингдан бошқа шифо йўқдир, Буюк бўлган Аллохдан балога мубтало бўлганимизда бизларга офият беришини ва мусибатимизни динимизда қилиб қўймаслигини сўрайман.

Икки киссадан кейин

Эй суюклиларим, энди икки киссани эшитиб ўкиб бўлганимиздан кейин эса Яъкуб ва Айюб (алайхиссалом)нинг бошларидан ўтган бу ишлар муҳим эканини мен билан бирга мулохаза қилмайсизларми? Юқорида келган бу сифатларнинг васфини мулохаза қилмаймизми?

Ҳақиқатан ҳам, Яъкубнинг қилган васияти ота ўз боласига қилиши мумкин бўлган энг чиройли васиятдир, сизларга уни яна бир бор эслатиб ўтсам: доимо ибодат қиладиган Роббингиз ким? Жавоб: Албатта, Аллох доимо бизнинг Роббимиз, Ундан бошқа ҳеч кимга ибодат қилмаймиз. Биродарларингизга ва аҳли-оилангизга ҳозирдан нимани васият қиласизлар? Аллохнинг ёлғиз ўзига ибодат қилишни васият қилмайсизларми? Яхшилик ва ҳақ йўлни васият қилмайсизларми? Аллох ва Расулига итоат қилишни васият қилмайсизларми? Ҳа, сўнгра келинглари, ҳозир Яъкуб (алайхиссалом)нинг фарзандлари каби Уни илох қилишга ва биз Унга мусулмон бўлишга, У бизнинг Илохимиз бўлиб биз Унинг холис бандалари бўлишга ҳамда васиятларнинг улуги ва жавоблар орасида энг маънога бой бўлганини унутмасликка Аллох таолога барчамиз аҳд қиламиз.

Барчамиз ҳам Расулуллох Яъкуб биздан хоҳлаганидек биз Яъкуб (алайхиссалом) қабимиз. Васиятдан кейин эса... Эй суюклиларим, бу васиятни кўтариш учун сабр зарур эканини кўряписизларми? Васият ва Аллохга бўлган иймонни сақлаш фидоийлик ва сабр талаб қилмайдими? Ҳа, албатта, биз васиятни маҳкам тутсак, ҳеч надомат чекмаймиз, саййидимиз Айюб (алайхиссалом) каби қилсак, ёки: у Зот сабр қилганидек сабр қилсак, у иймон келтирганидек иймон келтирсак, хурсандчилик ва маҳзунликда ҳамда бахт-саодат ва касалликда Аллохга ибодат қилсак ва барча барча ҳолатларда У Зот таолога ибодат қилсак, ҳеч надомат чекмаймиз. Айюб (алайхиссалом) бизларга васият қилганидек сабр қилишимиз ва Яъкуб (алайхиссалом) буюрганидек иймонда бўлмоғимиз лозимдир. Иймон билан бирга бўлган сабр нақадар гўзалдир! У нақадар чиройли ва ёқимлидир. **«Албатта, Биз сизларни бир оз кўркинч ва очлик билан, мол-мулкга, жонга меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга башорат бер».**

156. «Улар мусибат етганда: «Албатта, биз Аллохникимиз ва албатта, биз Унга

кайтувчимиз», дерлар».

157. «Ана ўшаларга Роббиларидан салавоглар ва рахмат бор. Ана ўшалар хидоят топганлардир». Бизлар кичик кахрамонларни Исломий рисолаи кўтара олишга муносиб бўлган, Аллох таоло рози бўладиган сабрли мўминлар, килдик, деб ўйлаймиз. Бу эса биз интилган нарсадир: Аллохга ибодат килишимиз, Яъқубнинг васиятини махкам тутиш, Аллохга ибодат килишимиз, Айюб каби сабр килишимиздир. Аллохим! Бизларни иймонида собит бўлганлардан, даъватида сабрли бўлганлардан килиб ёзгин, бизларни ўзинг неъматлаган пайгамбарлар, сиддиклар, шахидлар, солихлар ва уларнинг гўзал дўстлари билан жам килгин. Аллохим! Бизларни кўлимизда улар эришган нарса бўлгунча Сенга даъват килишда, сабр ва саботларида чиройли бўлган тўловчилардан килгин.

«Унга факат сабр килганларгина эришур. Унга факат улуг насиба эгаси бўлганларгина эришур» (Сабр килмаса, дархол ёмон сўзга ёмон сўз кайтаради. Ёмон ишга ёмон иш кайтаради. Бу эса даъватчига ҳеч фойда бермайди. Аллохнинг динига даъват килувчи шахс кишиларнинг хавои нафсларига, ўрганиб колган одатларига, уларнинг шахсий манфаат деб ўйлаб юрган баъзи бир нарсаларига карши гапириши керак). Дуоларимизнинг охирида оламлар Роббиси бўлган Аллохга ҳамд бўлсин.